

9-10-2019

SOCIO-PHILOSOPHICAL FACTORS OF INCREASING SOCIAL ACTIVITY OF STUDENT-YOUTH

Nodir Holmirzaev

Teacher of the Department of Social Sciences FerPI

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu>



Part of the [Education Commons](#)

Recommended Citation

Holmirzaev, Nodir (2019) "SOCIO-PHILOSOPHICAL FACTORS OF INCREASING SOCIAL ACTIVITY OF STUDENT-YOUTH," *Scientific Bulletin of Namangan State University*. Vol. 1 : Iss. 6 , Article 41.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu/vol1/iss6/41>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific Bulletin of Namangan State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

SOCIO-PHILOSOPHICAL FACTORS OF INCREASING SOCIAL ACTIVITY OF STUDENT-YOUTH

Cover Page Footnote

???????

Erratum

???????

ТАЛАБА-ЁШЛАР ИЖТИМОЙ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ ОМИЛЛАРИ

Холмирзаев Нодиржон

ФарПИ Ижтимоий фанлар кафедраси ўқитувчиси

Аннотация. Ушбу мақолада талаба-ёшларнинг ижтимоий фаоллиги, жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ўрни, давлатимизнинг ёшларга оид сиёсати, ёшларнинг мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ислохотлардаги иштироки атрофлича ёритилган.

Калит сўзлар: ижтимоий фаоллик, ҳаракатлар стратегияси, интеллектуал салоҳият, фаол тадбиркорлик, инновацион гоялар, технологиялар, ислохотлар, маърифат, маънавият, сиёсий маданият, ҳуқуқий маданият, ахлоқий маданият, умуминсоний қадриятлар.

СОЦИАЛЬНО-ФИЛОСОФСКИЕ ФАКТОРЫ ПОВЫШЕНИЯ СОЦИАЛЬНОЙ АКТИВНОСТИ СТУДЕНЧЕСКОЙ МОЛОДЕЖИ

Холмирзаев Нодиржон

преподаватель кафедры социальных наук ФарПИ

Аннотация. В статье всесторонне освещена социальная активность студентско-молодежи, место в социально-политической жизни общества, Государственная молодежная политика, участие студентско-молодежи нашей страны в радикальных реформах, проводимых в нашей стране.

Ключевые слова: социальная активность, стратегия действий, интеллектуальный потенциал, активное предпринимательство, инновационные идеи, технологические реформы, просвещение, духовность, политическая культура, правовая культура, моральная культура, общечеловеческие ценности.

SOCIO-PHILOSOPHICAL FACTORS OF INCREASING SOCIAL ACTIVITY OF STUDENT-YOUTH

Holmirzaev Nodir

Teacher of the Department of Social Sciences FerPI

Abstract. This article is mostly dedicated to social activeness of youth, their role in the society, the state policy to youth, the participation of new generation in all reforms which are being implemented in our country.

Key words: the social activeness, the strategy of attempts, intellectual ability, active entrepreneurship, innovational ideas, technologies, reforms, education, spiritual, judicial culture, moral culture, mutual traditions.

Жаҳонда инновация, интеллект эволюцияси, касб ва ахлоққа оид билим ижтимоий ҳаётнинг муҳим қадрияти сифатида эътироф этилмоқда. Дунёнинг Америка Қўшма Штатлари, Канада, Франция, Германия, Япония, Хитой каби

ривожланган давлатларида «инсон капитали», «шахсий компетентлик», «боқий таълим», «интеллектуал маданият» йўналишлари устувор ҳисобланади. Бунда ҳар жиҳатдан фаол мутахассисларни тайёрлаш жамият истиқболининг негизи ҳисобланади.

Ҳозирги вақтда мамлакатимиз аҳолисининг 32 фоизини ёки 10 миллионини 30 ёшгача бўлган ёшларимиз ташкил этади[1]. Ёшларнинг иродали, иймон-этиқодли, мустақил ва эркин фикрли, фаол фуқаролик позициясига эга шахслар қилиб тарбиялаш ҳозирда долзарб вазифа ҳисобланади. Бунда айниқса, ҳозирда олий таълим тизимида таҳсил олаётган талаба-ёшларнинг ўз соҳасининг билимдони, инновацион ғоялар эгаси, ижтимоий фаол бўлишлари муҳим аҳамиятга эга.

Замонавий инсон шахсининг шаклланиши ва ривожланишининг ижтимоий-фалсафий жиҳатлари унинг ўз мавқеини белгилаши ва ўзини ривожлантириш усуллари билан боғлиқ. Замонавий талаба мустақил равишда нафақат ижтимоий мослашиш билан боғлиқ, шунингдек, жамият ҳаётида ўзини ўзи ижодий амалга ошириш йўналишлари ва усуллари топиши билан боғлиқ вазифаларни ҳал қилиши мумкин ва керак. Бунда унинг учун бу жараён қайси шароитларда педагогика нуқтаи назаридан энг самарали бўлиши муҳим. Шу муносабат билан замонавий олий таълим муассасасининг энг муҳим вазифаларидан бири талаба шахсининг ижтимоий фаоллигини ривожлантиришдан иборат. Ижтимоий-профессионал вазифа ва ролларни самарали амалга ошириш ҳам айнан унга боғлиқ.

Фалсафий адабиётларда “ижтимоий фаоллик” атамаси турлича таърифланади. Талқиннинг турлича бўлиши тушунчанинг мураккаб эканлиги, жумладан, уни шакл ва вариантлари турли кўринишларга эга экани билан боғлиқ. Фалсафа нуқтаи назаридан – бу “индивид ва ижтимоий гуруҳларнинг жамиятдаги фаолият характерини акс эттирувчи” тушунча[2]. Ижтимоий фаоллик эҳтиёжнинг ҳаракат омилига айланиши, билиш ва мақсадни ўйлаш билан боғлиқ.

Тадқиқотчи Г.М. Коджаспирова ижтимоий фаолликка қуйидагича таъриф берилади: “Шахснинг фаоллиги шахснинг дунёга фаол муносабатини, инсониятнинг тарихий тажрибаси асосида моддий ва маънавий муҳитда ижтимоий-муҳим ўзгартиришга қодир эканлигини билдиради” [3]. Ижтимоий фаоллик “субъектнинг ижтимоий яхлитликни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришга қаратилган фаолиятини амалга оширишдаги интегратив тавсифи” сифатида талқин қилинади[4]. Ушбу тавсифларнинг фаолиятга оид эканлигини, социумда бирга мавжуд бўлиш ва ҳаётнинг барча соҳаларида ўзини амалга ошириш имконини беришини таъкидлайди. Ижтимоий фаоллик ўқувчи ёшларга мослаштирилганда шахсда ташкилотчилик маҳоратини тарбиялаш, жамоат ишига қизиқиш уйғотиш, жамоат топшириқларини бажаришда масъулиятни ҳис қилиш, ташаббускорликни ишчанлик билан уйғунлаштиришни назарда тутати.

Тадқиқотчи Э.Ф. Шакирова “ижтимоий фаоллик” категориясининг умумий тавсифини қуйидагича белгилайди: субъектнинг ижтимоий фаолиятда ижтимоий муҳит билан ўзаро муносабати; ижтимоий муҳит ва ўзаро муносабат субъектнинг ўзгариши(у томондан масъулиятни ўз зиммасига олиши); жамият, маданият,

ижтимоий қонунларни ўзлаштириши ва уларни амалиётда қўллаши; ижтимоий субъект хулқи-атворининг усули; ҳаракат қилишга ички тайёргарлик; субъект томонидан ўта норматив фаолиятнинг намоён этилиши; инсоннинг жамиятда яшашга фаол муносабати; жамият томонидан топширилган вазифаларни ижодий бажариш, ижтимоий инновацияларни яратиш; асосида ижтимоий муҳим эҳтиёжлар ётган ички сабаб ва рағбатлантирувчи омилларнинг мавжудлиги [5].

Шундай қилиб, талабанинг ижтимоий фаоллигини ижтимоий билимлар, баҳолашга оид мулоҳазалар ва кечинмалар, мустақиллик ва ташаббусга, дунёқарашга оид йўналтиришлар, ҳаракатларнинг бир бутун системасидан иборат бўлган шахснинг интегратив сифати маъносида кўриб чиқиш керак.

Ижтимоий фаолликни шакллантиришни фалсафий жиҳати шахснинг тасавурлари ва унинг турли таркибий қисмларини ўзаро алоқалари билан чамбарчас боғлиқ. Талаба-ёшларнинг ижтимоий фаоллик тизимида қуйидаги таркибий қисмларни кўрсатиш мумкин:

- шакли бўйича: профессионал ва профессионал бўлмаган;
- турлар бўйича: меҳнатга оид, сиёсий, билишга оид;
- йўналиш бўйича: ижтимоий, аксилижтимоий;
- амалга ошириш соҳаси бўйича: ишлаб чиқариш, бошқарув.

Ҳар бир конкрет ҳолатда ижтимоий фаолликнинг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслигини аниқлаш ва унинг кечишига ёрдам бериш учун, ижтимоий фаолликнинг кўрсаткичлари, мезонларини ажратиб кўрсатиш керак. Бунда қуйидагиларни кўрсатиш мумкин: ижтимоий фаолият олиб боришда ривожланиш даражаси, қобилият, истеъдод, қизиқишларидан максимал фойдаланиш; онглилик даражаси; ҳолислик, беғаразлик.

Баъзи муаллифлар мезон сифатида фаолиятнинг маълум бир турларига сарфланган бўш вақтларини, мотивация элементларини мавжудлигини, меҳнатдаги ўта нормативликни эътиборга оладилар. Айрим файласуф тадқиқотчилар қуйидаги мезонларни ажратиб кўрсатади: ижтимоий ориентациянинг йўналтирилганлиги; фаолиятнинг миқдор ва сифат кўрсаткичлари; бошқалар билан ўзаро мулоқотга киришишнинг сабаблари.

Талабаларнинг ижтимоий фаоллигини шакллантириш муаммоси бўйича реал тажриба ва илмий адабиётлар таҳлили бир қатор шартларни ажратиб кўрсатиш имконини бериб, уларга риюя қилиш бу жараённи оптималлаштиришга олиб келади. Замонавий мутахассисда ижтимоий фаолликни шакллантиришнинг умумий ва муҳим шартларидан бири, таълим муассасалари педагоглариининг умумий чуқур билимга эгаллиги(компетенцияси) бўлиб, профессионал ва ижтимоий компетентлилик мажмуи, шунингдек ижтимоий ҳамкорлик, малака ва кўникмаларини англатади.

Кейинги педагогик шарт сифатида талабалар ижтимоий фаоллигини шакллантиришнинг қўшимча педагогик воситаси сифатида, педагоглар томонидан амалий фаолиятда таълим муҳитининг потенциал имкониятларидан фойдаланиши мумкинлигини айтиш мумкин. Шу муносабат билан педагоглар ижтимоийлаштиришнинг алоҳида, ўзига хос агентлари сифатида иштирок этадилар,

чунки уларнинг мақсадлари ижтимоийлаштиришнинг салбий омилларини бартараф қилиш, ва шу билан бирга ижтимоий тарбия масалаларини ҳам ҳал қилишдан иборат. Педагог талабанинг ижтимоий фаоллигини ўзида мавжуд бўлган ижтимоий тажриба ва уни шахс томонидан ўзлаштириш имкониятлари орқали баҳолаши керак.

Педагог талабаларнинг ижтимоий фаоллиги жараёнининг субъекти сифатида номоён бўлар экан, ташхис қўйиш билимидан хабардор бўлиши ва талабаларда мавжуд ўқув ва дарсдан ташқари ижтимоий муҳим ва фойдали фаолият захираларини фаоллаштира олиши керак.

Талабада ижтимоий фаол шахсни шаклланиш жараёни таълим муассасасининг аудиториядан ташқари фаолияти имкониятларини белгилаш ва ҳисобга олишни тақозо қилади. Бу фаолият қўйидаги йўналишларда амалга оширилади: талаба ва педагогларнинг ижтимоий қобилиятларини очиш, ривожлантириш ва улардан фойдаланиш; конкрет касбий меҳнат фаолиятини бажариш учун зарур бўлган индивидуал амалий билим, кўникма, малакаларни шакллантириш; ижтимоий тажриба, маданиятдан фаол фойдаланиш. У талабаларни тезроқ ижтимоийлашишини, профессионал муҳитга яқинлашишини, бўлажак мутахассисда чуқур профессионал ва шахсга оид сифатларни ривожлантиришга олиб келишини таъминлайди.

Талабаларда ижтимоий фаолликни босқичма-босқич шакллантиришни таъминлашни ҳам педагогик шартлардан бири сифатида кўриб чиқиш мумкин. [5]. Талабаларни дарсдан ташқари фаолиятга жалб қилиш, профессионал таълим мақсадларини эътиборга олиш, бўлажак мутахассис шахсини, фуқаросини, эркин ва озод шахсини тарбиялаш ва шакллантириш асосида амалга оширилади ва ижтимоий фаоллик белгиларини шакллантиришга қаратилишини назарда тутати.

Когнитив босқичда талабаларда ижтимоий мулоқотнинг ўзга хос хусусиятлари, ижтимоий муҳитда ўзаро муносабатларга кириш усуллари, фаолликнинг намоён бўлиш шакллари ҳақида маълумот берувчи ижтимоий фаолият ҳақидаги билимларни шакллантириш жараёни амалга оширилади. Бу босқичда талабаларда инсонлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни тартибга солувчи ижтимоий меъёрлар ҳақида мустақил ва барқарор мулоҳаза юритиш, ижтимоий, ахлоқий қадриятларга сермазмун тавсиф бериш маҳоратини шакллантириш ва улар хулқ-атворда қандай намоён бўлишини таҳлил қилиш жараёнини ташкиллаш зарур. Ахлоқий билимлар ўқув, касбга оид ва ҳаётий масалаларни ҳал қилишга асос бўлиб хизмат қилади.

Баҳолашга оид-эмоционал босқич ижтимоий фаолликни намоён бўлишига шахсий муносабатни шакллантиришдан иборат. Бу босқичда талабаларда ижтимоий воқелик ҳодисаларини, баъзи иш ва хатти-ҳаракатни баҳолашга оид мулоҳаза ва эмоционал муносабатларини шакллантириш ташкил қилинади, воқеликка субъектив муносабат кузатилади. Ижтимоий меъёрлар, қадриятларни интериоризациялаш, шунингдек фақатгина когнитив даражадагина шахсий муносабатлар, қадриятларни ишлаб чиқишнинг имконияти йўқ, бу жараёнда ҳис-туйғулар ҳам фаол роль ўйнаши керак. Улар шахснинг жуда муҳим фазилатлари,

унинг ахлоқий моҳияти, важ-сабаблар доирасининг характери, эстетик ва ахлоқий йўналишлар қиммати билан чамбарчас боғлиқ.

Дунёқарашга оид босқич тамойиллар ва хулқ-атвор меъёрларига амал қилиш натижасида шахснинг зарурий фазилати сифати ижтимоий фаоллик ҳақида яхлит тасаввурни тақозо қилади. Бу шахснинг ҳаётий нуқтаи назари, хулқ-атвори ва ҳаракатлари давтурини очиб берувчи ички механизмдир. Бу босқич куйидаги аломатларнинг ..мавжудлиги билан тавсифланиши керак: шахс эътиқодларининг тизимлилиги; келажакда жамият аъзолари сифатидаги талабалар эътиқодининг кенг кўлами билан боғлиқ мавқеи; талабаларнинг шахсга оид хусусиятларида(масъулият, бошқаларга ҳурмат билан муносабатда бўлиш, толерантлик) эътиқодларининг намоён бўлиши.

Хулқ-атвор, ҳар қандай вазиятда намоён бўлувчи ва пайдо бўлган онгли кўникма ва одатларга асосланган, ахлоққа оид босқич барқарор ижтимоий фаол ахлоққа йўналтирилган. Бу босқичнинг кўрсаткичи бўлиб, талабанинг ижтимоий маъқуланган меъёрлар, қадриятлар, мулоҳазалар, эътиқод, шунингдек ахлоқий барқарорлик ва мустақиллик, шахсда ижтимоий нуқтаи назарнинг мавжудлиги хизмат қилади. Маълум хатти-ҳаракатларни амалга ошириб, у ёки бу операцияларни бажариб, талаба у ёки бу ижтимоий ролни бажариб, жамият учун муҳим бўлган фаолиятга, бошқа инсон ва ижтимоий гуруҳларга, ўз-ўзига муносабатини билдиради. Шунингдек, бу босқичда шахс ижтимоий фаоллигининг кўрсаткичи бўлиб, фаол ҳаётий ва фуқаро нуқтаи назари; таълим муассасасининг жамоат ишларида, жамоада, талабалар ўз-ўзини бошқарувида фаол иштироки; ташкилотчилик ва коммуникатив қобилиятлари хизмат қилиши мумкин.

Шундай қилиб, қўйилган шартларни амалга ошириш, таълим муассасаси педагогик жамоаси ижтимоий фаолиятининг юқори даражасини, педагогларнинг умуммаданий ва ижтимоий тайёргарлигини талаб қилади.

Талабалар ижтимоий фаоллигини шакллантириш бўйича ташкил қилинган фаолиятнинг пировард натижаси бўлиб талабаларнинг шахсий таълими хизмат қилади, у жами структур белгиларни (когнитив, эмоционал-қадриятга, дунёқарашга оид ва ахлоқий), бўлажак мутахассис сифатлари (гуманистик, амалий ва фуқаролик) ва шахснинг ижтимоий тажрибасини қамраб олади.

References:

1. Mirziyoev SH. Erkin va farovon, demokratik O'zbekiston davlatini birgalikda barpo etamiz. - Toshkent: "O'zbekiston", 2017. –B. 13
2. Sotsialnaya aktivnost [Elektronniy resurs] / Filosofskiy slovar. – Rejim dostupa : <http://www.edudic.ru/fil/1160/#> – Data dostupa : 10.09.2012.
3. Kodjaspirova, G.M. Slovar po pedagogike / G.M. Kodjaspirova, A.YU. Kodjaspirov. – M. : IKS «MarT»; Rostov n/D : Izdatelskiy sentr «MarT», 2005. – 448 s.
4. Slovar sotsialnogo pedagoga i sotsialnogo rabotnika / pod red. I.I. Kalachevoy, YA.L. Kolominskogo, A.I. Levko. 2-e izd. – Minsk : BelEn, 2003. – 256 s.
5. Shakirova, E.F. Pedagogicheskie usloviya formirovaniya sotsialno aktivnoy lichnosti studenta / E.F. Shakirova, G.P. Ivanova // Akmeologiya. – 2012. – №3(43). – S. 51–56.